

РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ЯККА ТАРТИБДАГИ ЧОРА-ТАДБИРИ СИФАТИДА: МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ СИФАТИДА

*Фаррух Юнусов - Жиззах вилояти ИИБ
Зомин туман ИИБ бошлигининг ўринбосари,
мустақил изланувчи.*

Мақолада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали воситаси сифатида расмий огоҳлантириш институт мазмуни таҳлил қилинган. Қонунчиликда назарда тутилган ушбу таъсир чорасини амалга ошириш тартиби очиб берилган. Амалдаги қонунчиликка таклифлар илгари сурилган. Шунингдек расмий огоҳлантириш таъсир чорасини бошқа таъсир чоралари билан ўзаро боғлиқлиги очиб берилган.

Таянч сўзлар: огоҳлантириш, қонунчилик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий назорат, ваколат орган

ОФИЦИАЛЬНОЕ ПРЕДОСТЕРЕЖЕНИЕ КАК ЭФФЕКТИВНОЕ СРЕДСТВО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

В статье анализируется содержание института официального предупреждения как действенного средства профилактики правонарушений. Освещены порядок реализации данной меры, предусмотренной законодательством. Внесены предложения в действующее законодательство. Также отмечено, взаимосвязь официального предупреждения с другими мерами воздействия.

Ключевые слова: предупреждение, законодательство, профилактика правонарушений, административный надзор, полномочия.

OFFICIAL CAUTION AS AN EFFECTIVE MEANS OF PREVENTING OFFENSES

The article analyzes the content of the institute of official warning as an effective means of preventing offenses. The procedure for the implementation of this measure, provided for by law, is highlighted. Proposals have been made to the current legislation. It is also noted the relationship of the official warning with other measures of influence.

Key words: warning, legislation, crime prevention, administrative supervision, powers.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, «Жиноятларнинг профилактикаси» тушунчасининг ўзагини «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» тушунчаси ташкил қилади. «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» тушунчасининг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида батафсил тўхталиб ўтилган. Унга асосан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Қонунга кўра якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг ҳуқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни тўхтатиш ва келгусида шу каби ҳолатларни олдини олишга қаратилган иши ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи барча орган ва муассасалар ғайриижтимоий ҳуқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасидан қуйидаги алоҳида хусусиятлари билан фарқланади:

- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;
- индивидуал ёндошувни талаб этиши;
- мажбурлов ва чеклов нормаларини қўлланилиши;

- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўланилишини талаб этиши;

- бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унунинг ижтимоий муҳитнинг ўзиг хос хусусиятлари, ижтимоий – маиший шароитлари ва турмуш тақрзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ атворини , ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини , шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик масаласини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактиканинг объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар) самарали тарзда профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга ҳисобланади. Хусусан, бу борада профилактика инспектори ўзига нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-руҳий (еҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши натижаси асосида якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасига оид чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

– Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, ишлаш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади;

– Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган орган ёки муассасанинг мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган орган ёки муассасанинг мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади;

– Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ва муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида иш, ўқиш жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан расмий огоҳлантиришни чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига асосан ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки

хуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади¹.

Жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий ҳуқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс аниқланган жойнинг ўзида масъул шахс томонидан ушбу шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилади.

Расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади. Масъул шахс, расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатли мансабдор шахслари фуқароларга расмий огоҳлантириш қўллаш билан хуқуқбузарликлар содир этиш учун шароит яратишга тўсқинлик қилади. Демак ушбу мажбурлов чорасини дастлабки вазифаси муайян хуқуққа хилоф хатти-ҳаракатни олдини олишдан иборат². Расмий огоҳлантиришнинг профилактик чора сифатида мазмуни муайян хавфларнинг юзага келишини олдини олиш имкониятига эга ваколатли органлар ва мансабдор шахслар, огоҳлантириш қўлланилган шахсларга ўз вақтида ва билвосита - мажбурий талабларни қўллаш ва субъектнинг виждонли ва хуқуқий ҳуқ-атворни рағбатлантириш орқали таъсир кўрсатишдан иборат.

Шундай қилиб, расмий огоҳлантириш ўз вақтида профилактика чораси сифатида огоҳлантириш берилган фуқароларнинг ижтимоий масъулиятли, виждонли, қонуний хуқуқий ҳуқ-атворли моделларини шакллантиришга қаратилган¹. Бу эса, ушбу таъсир чорасини яна бир муҳим вазифасини ифода этади. Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги 2019 йил 2 апрелдаги қонунининг 17-моддасига асосан назорат остидаги шахсга унинг хуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, шунингдек ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлик ҳамда зиммасига юклатилган

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 79-м.

² Бондаренко М.В. Институт официального предостережения как форма профилактического воздействия, применяемая органами исполнительной власти //«Всероссийский криминологический журнал», 2021, № 1. Б.71-74.

¹ Редкоус В.М. Институт официального предостережения в административной деятельности национальных органов безопасности государств - участников СНГ. Журнал «Закон и право» 2010. № 4, Б.57-59.

мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади².

Расмий огоҳлантириш институтини тартибга солувчи қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, расмий огоҳлантириш қўлланилган шахс томонидан ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этилганда ҳуқуқий оқибатларига баҳо берилиши қонунчиликда аниқ белгиланмаган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 32-моддаси қуйидаги таҳрирдаги алоҳида банд билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ: «расмий огоҳлантириш қўлланилган шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиши».

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, расмий огоҳлантириш институти ҳуқуқбузарликларни олдини олишда самарали восита сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг муҳим ҳуқуқий механизмидир.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2019 й., 03/19/532/2873-сон; 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон